



# “ХУДУДИЙ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ” АЖ

“Сөлөөр үзүн ХУДУДИЙ  
ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ  
КОРХОНАСИ”  
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ



УЛГУРЖИ ИСТЕЙМОЛЧИЛАР УЧУН  
ЭЛЕКТР ТАЬМИНОТИ  
ШАРТНОМАСИ

№ Чургүз . Мурзубай  
аёлдар шафаринең чыс  
Төрөбүшүк АФИ

# УЛГУРЖИ ИСТЕММОЛЧИЛАР УЧУН ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ

## ШАРТНОМАСИ

20<sup>ж</sup> ийл "18. септ 40348 -сон

Декомобар  
Т(Ш)ЭТК номи

асосида фаолият юритувчи

Союзэнерготехника

(туман(шахар) электр таъминоти корхонасининг номи)

Рахбари

Динчуков Р.К.

(кейинги ўринларда

(туман(шахар) электр тармоқлари корхонаси раҳбарининг Ф.И.О.)

"Таъминотчи корхона" деб аталади) бир томондан ҳамда низам асосида фаолият

юритувчи Ургуб, Муркаб "ёшлилар инженернаг чид  
(истеммолчилар номи)

раҳбари

А. Саидов

(кейинги ўринларда "Истеммолчи" деб аталади),

(истеммолчи раҳбарининг Ф.И.О.)

иккинчи томондан мазкур шартномани куйидагилар тұғрисида түздилар:

## I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

Ушбу электр таъминоти шартномасига (кейинги ўринларда - Шартнома деб аталади) мувофиқ, "Таъминотчи корхона" "Истеммолчи"га электр энергиясини уланған тармоқ орқали етказиб бериш ва "Истеммолчи" истеммол килинган энергия учун ўз вақтида ҳақ тұлаш мажбуриятини олади.

## II. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯНИ ХИСОБГА ОЛИШ

2.1. Электр энергия истеммолининг йиллик шартномавий ҳажми:

Актив 600 000 кВт.с. реактив \_\_\_\_\_ кВар.с.

2.2. Етказиб бериладиган энергиянинг шартнома тузилган кунидаги умумий нархи 450 сүмни, тариф бүйіча 180 000 000 00 ташкыл этади.  
тариф түрү: табақалаштырылған, бир ставкалы ёки ахолига тенглаштырылған, (көфакслик өзисін)

2.3. "Истеммолчи"га етказиб бериладиган электр энергиясининг ойлар кесимидаги йиллик ҳажми ушбу шартномага 1-иловада келтирілған.

2.4. "Истеммолчи" томонидан истеммол килинган электр энергиясининг ҳақ тұланиши лозим бұлған ҳажми ушбу шартномага 2-иловада назарда тутилған хисобға олиш приборларининг күрсаткичлари асосида, хисобға олиш приборлари уланған ток ва кучланиш трансформаторларининг трансформация көзoeffициентлари инобатта олинған холда аникланади.

2.5. Истеммолчиларнинг (майший истеммолчилар ва тадбиркорлық субъектлардан ташқары) электр энергиясини хисобға олиш ускуналари, шуннингдек электр энергиясини хисобға олишининг бошқа воситалари истеммолчининг маблаглари хисобға сотиб олинади, давлат қиёсловидан үтказилади, худудий электр тармоқлари корхоналари томонидан белуп үрнатиласы, пломбаланади ва рўйхатдан үтказилади.

## III. ХИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. Электр энергияси учун хисоб-китоблар бир ставкали, табақалаштырылған, үсіб борунчи көзoeffициент күллаппиладиган ёки ахолига тенглаштырылған тарифлар асосида амалга оширилади.

3.2. Уланған күннен 750 кВА ва улдан ортиқ бұлған "Истеммолчи" (бюджет ташкыллары, сув таъминоти ташкыллары, фермер хўжаликлари ва сув истеммолчилари

уюшмаларининг насос станциялари, шунингдек Давлат бюджетидан молиялаштириладиган насос станциялари бундан мустасно) электр энергияси учун хисоб-китобларни табакалаштирилган тариф бўйича амалга оширади.

Истеъмол килинган энергия учун табакалаштирилган тариф бўйича хисоб-китоблар: ярим тигиз давр – сутканинг ёргу вактида (соат 9<sup>00</sup> дан 17<sup>00</sup> гача) – белгиланган тариф бўйича,

тиғиз давр – энг катта юкламали соатларда (ягона электр энергетика тизимиning энг катта юкламали соатлари: эргалабки энг катта микдор соат 6<sup>00</sup> дан 9<sup>00</sup> гача, кечки энг катта микдор соат 17<sup>00</sup> дан 22<sup>00</sup> гача) белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар микдорда ўсувчи коэффициентни кўллаш орқали;

тунги давр – сутканинг қоронги вақтида (энг кам юкламали соатларида: 22<sup>00</sup> дан 24<sup>00</sup> гача ва 00<sup>00</sup> дан 6<sup>00</sup> гача) – белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар камаючи коэффициентни кўллаш орқали амалга оширилади.

Белгиланган тариф II-тариф гуруҳи бир ставкали истеъмолчиларга қўлланиладиган тарифга тўғри келади.

Табакалаштирилган тариф қўлланилмайдиган истеъмолчига нисбатан энергия учун хисоб-китобларда бир ставкали тариф қўлланилади.

Уланган куввати 750 кВА гача бўлган, электр энергиясини реализация килишда пархни шакллантиришининг алоҳида тартиби белгиланадиган ташкилотлар рўйхатига киритилган маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва айрим хизматлар кўрсатувчи истеъмолчилар учун тўловлар Хукумат карори билан белгиланадиган тарифлар бўйича амалга оширади.

Уланган кувватидан катий назар, крипто-актив ва майнинг соҳасида фаолиятни амалга оширувчи истеъмолчилар (турли криптовалюталарда янги бирликлар ва комиссия йигимлари форматида мукофот олиш имконини берадиган таксимлаш платформасини таъминлаш ва янги блоклар яратиш бўйича фаолият) фойдаланган электр энергияси учун тўловларни тегишилди тариф гурухига асосан белгиланган тарифга нисбатан З барабар ўсувчи коэффициента мувофиқ тўлади.

3.3. Бир неча тариф гурухларига мансуб истеъмолчи билан хисоб-китоблар, ҳар бир тариф гурухига алоҳида ўрнатилган ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичлари бўйича амалга оширилади.

“Истеъмолчи” томонидан алоҳида хисобга олиш приборлари ўрнатиш рад килинган тақдирда, электр энергияси учун тўловлар фойдаланилаётган энг юкори тариф гурухи бўйича ҳисоб китоб қилинади.

3.4. “Истеъмолчи” хисоб-китоб даври тугагандан сўнг Электр таъминоти корхонаси ваколатли вакили билан биргаликда (мавжуд вазиятдан келиб чиқсан холда) ёки унинг иштирокисиз хисобга олиши приборларининг кўрсаткичларини ҳар ойда ёзб олади ва ушбу шартноманинг 5-иловасига мувофиқ шаклда энергия сарфи бўйича ҳисобот тузади.

“Истеъмолчи” “Таъминотчи корхона”га энергиянинг сарфланиши тўғрисидаги ҳисоботни ўз кўли билан, факсимили, электрон ёки почта алокази орқали ҳар ойнинг “<sup>25</sup>” санасигана тақдим этади.

Бунда, тўловларни табакалаштирилган тарифда амалга оширадиган “Истеъмолчи”лар бўйича электр энергия сарфи бўйича ҳисоботда фойдаланилган электр энергия (актив ва реактив) тулик ҳажмидан ташкари тигиз, ярим тигиз ва тунги пайтларда фойдаланилган электр энергия ҳажмлари алоҳида ҳам кўрсатилиши шарт.

3.5. Электр энергияси учун амалдаги тарифлар ўзгарган тақдирда, “Худудий электр тармоклари” корхонаси уларнинг кучга киришидан камида 15 кун олдин карорни оммавий ахборот воситаларида эълон килади.

Буида электр энергияси учун тарифлар ўзгарган санадан катий назар, электр таъминоти шартномаси ўз кучидан колади ва истеъмолчи фойдаланилган электр энергияси учун янги тариф кучга киргиз кундан бошлаб ҳак тұлашта мажбурдир.

Тариф ўзгарган тақдирда, истеъмолчилар электр энергияси (шу жумладан актив ва реактив энергия)нинг аванс тарикасида тўланган ҳажми учун тұлов кунидан бошлаб кейинги бир ойдан ортиқ бўлмаган муддатда күшимча тұлов тұлашдан озод этилади.

Арифметик хатоликлар, тарифларни нотуғри күллаш туфайли наідо бұлациган камва ортиқа тұловлар тегиши тариф бүйіча кВт/соатларда кайта хисоблаб чиқылады ва “Таъминотчи корхона” томонидан даъво муддати доирасыда күрсаткышлардаги тағонут әскі күшімчалар билан биргаликда хисобға олинады.

3.6. “Истемолчи” та электр энергиясы етказиб бериш 100 фоиз олдиндан ҳақ тұлаш асосида амалга оширилади. Бунда, хисоб-китобни 50 фоиз олдиндан ҳақ тұлаш асосида амалға ошириш хохишини билдирган истемолчилар хисоб-китоб амалға ошириладын даврни күрсатиб хисоб-китоб даврға бошланышидан камида 5 күн олдин билдирги тартибида Таъминотчи корхонага мурожаат күлгандардың тақдирде электр энергиясы истемолчиларға 50 фоиз олдиндан ҳақ тұлаш асосида етказиб берилишига йүл күйлады. Олдиндан ҳақ тұланмаган ҳамда 50 фоиз олдиндан ҳақ тұлаётган истемолчилар томонидан ойнинг охиригача якунний хисоб-китоб амалға оширилмаган холларда мазкур истемолчиларға нисбатан электр тармоклардан тұлық узишгача бұлған чоралар күрілады.

3.7. “Таъминотчи корхона” “Истемолчи”нинг энергия сарфи тұгристидаги хисоботи асосида белгіланған тартибда хисоб-китобни амалға оширады ва беш күн ичида тұлов амалға ошириш учун хисоб-фактура ва тұлов хисоб-варағини тақдым этады.

“Истемолчи” турли тариф гурухларында тегиши бұлған бир нечта обьекттаға зерттеуден барлық тариф гурухтарында хисоб-китобни амалға оширады да, беш күн ичида тұлов амалға оширилді.

“Таъминотчи корхона” томонидан махсус дастурий махсулот орқали хисоб-фактура ва тұлов хисоб-варағини шакллантирилади ҳамда истемолчи тұгристидаги маълумотлар күрсатылған жолда электрон ракамни имзо билан тасдикланиб, оператор орқали роуминг операторига юборилады.

(Асос: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маткомуисининг 25.06.2019 ыйлдагы 522-сонды “Ўзаро хисоб-китоблар тизимида электрон шаклда хисобверақ-фактуралардан фойдаланышини тақомиғлаштырып чора-тадбірлар тұгристиде” ғароғы)

3.8. Хисобға олиш прибори ушбу шартномага 3-илювага мувоғиқ, электр тармокларининг мансублик баланси бүйіча фарқлаш далалатномасы ва томонларнинг эксплуатация жағоварлары асосида аникланадын электр тармоғининг мансублик баланси чегарасыда үрнатылмаганда, чегарадан хисобға олиш прибори үрнатылған жойғача бұлған участкада энергияның технологик сарфланиш ҳажми “Истемолчи” билан биргаликда хисоблашы үйілі орқали аникланады ва ушбу шартномага 4-илювага мувоғиқ далалатномада күрсатылады.

Бунда, 750 кВА ва ундан юкори күвватта уланған, табақалаштырылған тарифда тұловларни амалға оширадын “Истемолчи” учун энергияның технологик сарфланиш ҳажми сутканинг тиғиз, ярим тиғиз ва түнгі пайтлары учун алохидан аникланыб, мутаносиб равища жами олинған электр қажманинг тегиши пайтларында тұлов ҳақини ёзіш учун күшиб борилады. (6-, 7-илюваларни реактив күвваттаға зерттеуден барлық тарифтерде истемолчилар тұлдырайдатының тақдымынан)

3.9. Электр энергиясы ягона электр энергетика тизимидан транзит бүйіча истемолчининг электр тармоғи орқали худудий электр тармоклари корхонаснининг электр тармоғига узатылғанда, истемолчилардың электр энергиясы технологик сарфнининг бир кисми, истемолчининг электр тармоғига келип түшгандың электр энергиясынинг умумий микдорига нисбатан худудий электр тармоклари корхонаснининг электр тармоғига истемолчи томонидан узатылған электр энергиясы микдорига мутаносиб равища, ягона электр энергетика тизимининг электр тармоқларында технологик сарфларға үтказылады.

3.10. Электр энергиясы сарфи тұгристидаги хисобот истемолчи томонидан тақдым этилмаган тақдирда, худудий электр тармоклари корхонаси томонидан электр энергиясы (шу жумладан актив ва реактив энергия) истемолчининг шартномавий микдори бүйіча ёки үтгандың хисоб-китоб давр учун электр энергиясы истемолчининг үртаса суткалик амалдаги микдори тұгристидаги маълумотлар асосида хисоб-китоб килинады.

Бунда хисобға олиш приборлары күрсаткышлары назорат тартибидан ТАЪМИНОТЧИ КОРХОНА ТОМОНИДАН ӘЗИБ ОЛИНГАНДАН КЕЙИН АМАЛДА ИСТЕМОЛ ЧИЛДАРЫНДА КИЛИНГАН ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСЫ УЧУН

кайта хисоб-китоб қилинади. Қайта хисоб-китоб истеъмолчи ёки унинг вакили иштирокида ёхуд унинг иштирокисиз белгиланган тартибда амалга оширилади.

3.11. Таъминотчи корхона истеъмолчилар билан биргаликда истеъмол қилинган электр энергиясининг амалдаги миқдорини аниглаш учун улардаги электр энергиясини хисобга олиш приборлари кўрсаткичларини хар ойда ёзб олиши ва зарур бўлганда электр энергиясини хисобга олиш приборларини улаш схемасини текшириб кўриши керак. “Истеъмолчи” томонидан электр энергияси сарфи тұғрисида “Таъминотчи корхона”<sup>14</sup> белгиланган шакл бўйича ўз кўли билан, факсимил электрон ёки почта алоқаси оркали тақдим этилган хисобот юридик шахслар хамда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи жисмоний шахслар учун истеъмол қилинган электр энергиясининг амалдаги хажмини аниглаш учун асос бўлиб хизмат килади.

Электр энергиясини хисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизими (ЭХНАТ) нинг жорий этилиши муносабати билан истеъмолчиларнинг хисобга олиш приборларидағи кўрсаткичлар автоматлаштирилган тизимнинг техник параметрларига мувоффик, бирок бир ойда камида бир марта ёки истеъмолчининг буюртмаси бўйича ёзб олиниада.

“Таъминотчи корхона” “Истеъмолчи”нинг шахсий хисоб-ракам ва хисобга олиш приборларининг холати хакида батафсил маълумотлар доимий асосда шакллантирилиши ва идоралардо электрон хамкорлик қилиш тизимига реал вакт режимида юборилишини таъминлайди.

3.12. Шартномада хисоб-китоб даври учун кўрсатилган энергия миқдордан 5 фойздан ортиқ миқдорда энергия истеъмол қилганды, “Истеъмолчи”дан шартномада кўрсатилган миқдордан ортиқ истеъмол қилинган электр энергияси жаъми хажми учун белгиланган тарифнинг 1,15 баравари миқдорида тўлов ундирилади.

“Истеъмолчи”нинг электр энергияси ҳақини тўлаш, реактив энергия компенсацияси учун тарифга устамалар, шунингдек, ноконуний фойдаланилган электр энргияси кайта хисоб-китоби ва пеня бўйича карзи бўлган тақдирда, унинг аванс тўлови хисобига ўтказилган маблағлари карзни қоплашга йўналтирилади ва аванс тўлови (олдиндан ҳак тўлаш) сифатида хисобга олинмайди.

“Истеъмолчи” шартномада кўрсатилган электр энергияси хажмини тўлик истеъмол қилмаган тақдирда, аванс тарикасида тўланган маблағлар кайтариб берилмайди ва электр энергия учун кейинги хисоб-китобларда хисобга олиниади.

Хисоб-китоб ойидан кейинги календар ой тугагач қарздорлик тўлов муддати ўтган деб ҳисбланади ва тўлов муддати ўтган ҳар бир кун учун “Истеъмолчи”га тўлов муддати ўтган сумманинг 0,1 фойзи миқдорида, электр энергияси маҳсус тартибда етказиб бериладиган корхоналар учун эса 0,2 фойзи миқдорида пеня хисоблаб ёзилади. Бунда пенянинг умумий миқдори, муддати ўтган тўловнинг 50 фойзидан ошомаслиги лозим.

3.13. “Истеъмолчи” ва “Таъминотчи корхона” хар ойда хисоб-китоб даври тамом бўлгандан кейин беш кун мобайнинда ўзаро хисоб-китобларнинг тақкослаш далолатиомасини тузади.

3.14. “Истеъмолчи”ни куйидаги ҳолларда электр тармоқларидан узилади:

шартномавий мажбуриятлари бажарилмаганда;

хисоб-китоблар ўз вақтида амалга оширилмаганлиги оқибатида фойдаланилган электр энергияси учун қарздорлик мавжуд бўлганда;

Таъминотчи корхона талабномалари бажарилмаганда, шу жумладан, унинг тегишли вакилларига хисобга олиш приборлари кўрсаткичларини олишга йўл кўйилмаганда;

хисобга олиш приборларини касдан бузгандан, кўрсаткичларни ўзгартириш мақсадида уларнинг ишлашига ташқаридан аралашиш хатти-харакатлар амалга оширилганда;

электр энергиясидан ноконуний фойдаланилгани, электр тармоқларига ноконуний уланиш, талон-тарож килиш ёки электр энергиясидан фойдаланиш коидаларини бузишнинг бошқа ҳолатлари аниқланганда.

Ягона электр энергетика тизимидан электр энергия ва кувватда танқислик вужудга келганда, аварияларга йўл қўймаслик ва истеъмолчиларнинг тартибсиз узib қўйилишининг олдини олиш мақсадида худудий электр тармоқлари корхонаси учирish вактини кўрсатган

холда, истеъмолчилардан рекламалар, иллюминациялар, бино ва ишпоотларни ёритгичларини, электр иситиш ва иссиқ сув билан таъминлаш курилмаларини ўчириб кўйишни талаби бажарилмаганда.

3.15. Хисобга олнинмаган энергия учун амалга оширилган кайта хисоб-китоб, “Истеъмолчи”ни конун хужжатларида белгиланган тартибида электр энергиясидан фойдаланиши коидаларини бузганлик учун жавобгарликдан озод этмайди.

3.16. “Истеъмолчи” томонидан коидабузарлик холати бартараф этилиб, мавжуд карздорлик ва тўлов пайтидаги базавий хисоблаш микдорининг ўн баравари микдорида тўлов ундирилгандан сўнг тармокга кайта уланади (ЭҲНАТга уланган истеъмолчилар бундан мустасно).

3.17. “Истеъмолчи” электр тармокларининг техник холатини таъминлаш бўйича, эксплуатация харажатлари учун субистеъмолчилар, истеъмолчи билан субистеъмолчи ўртасида тузилган алоҳида шартнома бўйича электр энергиясининг умумий хажмидан олинидиган улушга мутаносиб равишда хақ тулайди.

Эксплуатация харажатларини субистеъмолчига бериладиган электр энергияси тарифига қўшишга рухсат этилмайди.

3.18. “Истеъмолчи” томонидан истеъмол килинган электр энергияси учун тўлов тарифлари кўйидаги ҳоларда аҳоли учун белгиланган тарифларга тенглаштирилади;

Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 26 апрелдаги “Оиласвий тадбиркорлик тўғрисида” ги ЎРК 327-сон Қонуннинг 28-моддасига асосан Оиласвий корхона туар жойдан бир вактнинг ўзида унда истикомат қилган ҳолда товарлар ишлаб чиқарип (ишилар бажариш, хизматлар кўрсатиш) учун фойдаланган тақдирда электр энергияси ҳакини тўлаш аҳоли учун белгиланган тарифлар бўйича шартлар асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2003 йил 10 сентябрдаги 525-ф-соили Фармойишига асосан Ўзбекистон Республикаси худудидаги диний ташкилотлар 2003 йилнинг 1 сентябрдан бошлаб уларга кўрсатиладиган коммунал хизматлар электр энергиясига тўловларни аҳоли учун белгиланган тарифлар бўйича тўлайдилар.

#### IV. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

##### 4.1. Истеъмолчи кўйидаги ҳукуқларга эга:

“Истеъмолчи”нинг электр курилмаларини “Таъминотчи корхона” электр тармокларига техник шартларга мувофиқ ўрнатилган тартибида улаш;

сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мувофиқ ўрнатилган тартибида электр энергиясини олиш;

электр энергияси етказиб беришнинг тўхталиши ёки тўхтатиб қўйилиши сабаблари тўғрисида белгиланган тартибида ахборот олиш;

“Таъминотчи корхона”га истеъмол килалиган энергия хажмларининг ўзгартирилиши тўғрисида белгиланган тартибида таклифлар киритиш. Бунда энергиянинг шартномадаги хажмини ўзгартириш бўйича таклиф мўлжаланаётган ўзгартирисдан олдин, тегишли микдор учун 100 % тўлов амалга оширилган тақдирда, 10 кундан кечикмай (жорий ой тугагунгача) берилиши лозим;

электр энергияси тулик ҳажмда етказиб берилмаслиги ёки сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мувофиқ бўлмаган электр энергия етказиб берилиши оқибатида етказилган зарарни белгиланган тартибида коплатиш;

Шартномани қонун хужжатларига мувофиқ бир томонлама тартибида бекор килиш;

Шартнома бекор килаганда фойдаланилмаган электр энергияси микдори учун тўланган маблағни кайтарилишини талаб килиш;

Электр энергияси етказиб берилиши тўхтатилганда етказилган зарарни коплашни талаб килиш;

электр таъминоти шартномасини тузишда ва бажаришда юзага келаётган низоларни ҳал этиш учун судга, монополияга карши давлат органига ёки бўйсунуви бўйича юкори органга (мансадор шахсга) мурожаат килиш.

“Истеъмолчи” конун хужжатларига мувофиқ бошкага ҳукуқларга ҳам эга.

#### 4.2. "Истемолчи" куйидагиларга мажбур:

худудий электр тармоқлари корхонаси томонидан белгиланган электр энергиясини истемол килиш режимига риоя этиш;

фойдаланилган электр энергияси (куввати) учун ўз вақтида ҳақ тұлаш;

ищлатилаётган электр курилмалари, асбоблар ва асбоб-ускуналарнинг зарур техник ҳолатини ва истемолчиларнинг электр курилмаларини эксплуатация килишида хавфсизлик техникаси қоидаларига риоя килинишини таъминлаш, худудий электр тармоқлари корхонасига ёки электр таъминоти корхонасига электр асбоб-ускуналарнинг носозлиги түғрисида хабар килиш;

электр энергиясидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирларини амалга ошириш;

"Узэнергоинспекциясининг"нинг ёзма кўрсатмаларини ўз вақтида бажариш;

Электр курилмаларининг тузилиши қоидалари талабларига риоя этиш;

ўрнатилган тартибда худудий электр тармоқлари корхонаси вакилига электр энергиясини хисобга олиш асбобларини кўришига имкон бериш;

йил мобайнида янгидан ишга тушириладиган электр курилмаларидан фойдаланиш бошланишидан камида бир ой олдин электр энергиясининг зарур миқдори учун 100 % олдиндан тұлов амалга оширилган тақдирда "Таъминотчи корхона"та буюртманома бериш;

келгуси йил учун электр энергиясига бўлган эҳтиёжни аниқлашда электр энергиясини электр тармоқларидан узатишда, ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг (ишлар турларининг) технология жараба ишлаб чиқариш эҳтиёжларига, ишлаб чиқариш бинолари ва маъмурӣ биноларни ёритиши, иситиши, шамоллатиши учун электр энергия сарфини, шунингдек, ушбу электр тармоқларига уланган субистемолчиларнинг эҳтиёжини хисобга олиш.

Шунингдек, уланган куввати 5 МВт ва ундан ортиқ бўлган "Истемолчи" "Таъминотчи корхона"нинг талабига кўра куйидагиларни хисобга олиши ва бу ҳақида хабар берishi шарт:

истемол қилинаётган кувватнинг ҳар суткалик, ҳар ойлик сарфи ва амалдаги миқдори;

ягона электр энергетика тизимининг энг кўп ва энг кам юкламали дэврларида реактив энергия ва кувватнинг ҳар суткалик сарфи;

ягона электр энергетика тизимининг энг кўп юкламасининг ўтиш даврида актив энергия (кувват)нинг ҳар 30 дақиқадаги сарфи.

Уланган куввати 250 кВА ва ундан ортиқ бўлган истемолчилар юкорида кўрсатилган мажбуриятлар билан биргаликда куйидагиларга мажбур:

маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариши (ишларни амалга ошириш) учун электр энергияси сарфининг техник ва иқтисодий жиҳатдан асосланган илғор нормаларини ишлаб чиқиши - умумий ишлаб чиқариш ва технологик; якка тартибдаги ва гурух бўйича; йиллик, чораклик ва ойлик - уларни ишлаб чиқариши тацкил этиш технологияси тақомиллаштирилиши (ўзгартирилиши) ва янги техника жорий этилишига караб қайта кўриб чиқиши;

корхона бўйича, шу жумладан кўп энергия сарфлайдиган ускуналар, цехлар ва истемолчилар гурухлари бўйича электр энергияси балансларини тузиш ҳамда улар асосида ишлаб чиқариш жараёнларида электр энергиясидан фойдаланиш самарадорлигини таҳдил қилиш, электр энергиясининг самараёз сарфланиши ва истроф бўлишини аниқлаш, уларни камайтириш ва бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиши ва амалга ошириш;

келгуси давр учун электр энергиясига бўлган эҳтиёжни ва электр тармоқларининг энергия ўтказиш кобилиятини ошириш, электр таъминоти схемаларини тақомиллаштириш заруриятини аниқлаш мақсадида (маҳсулот ишлаб чиқаришнинг, бажариладиган иш турларининг мўлжалланәётган прогноз ҳажмларидан ва электр энергияси сарфи месъёрларидан келиб чиқиб, уларни камайтириш ва электр энергиясини тежаш хисобга олган ҳолда) электр энергиясининг бир йил ва келгуси давр учун балансларини тузиш;

маҳсулот (ишлар) бирлигига электр энергияси сарфининг тасдиқланган месъёрларига риоя қилиш ва уларни камайтириш бўйича белгиланган тадбирларнинг бажарилишини таъминлаш;

электр энергиясини тежаш бўйича (йиллик ва узоқ истиқбол учун) ташкилий-техник тадбирларни ишлаб чиқиши ва амалга ошириши.

“Истемолчи” “Таъминотчи корхона” томонидан белгиланган энергия истемолини чеклаш жадвалини бажариши шарт.

“Истемолчи” конун хужжатларига мувофик бошқа мажбуриятларга ҳам эга.

4.3. “Таъминотчи корхона” куйидаги хукуқларга эга:

“Истемолчи”дан шартномада белгиланган ўз мажбуриятларини лозим даражасида бажаришини талаб этиши;

ушбу шартнома шартлари бажарилмаганда ёки бузилганда “Истемолчи” томонидан етказилган амалдаги зарарни белгиланган тартибда коплатиш;

авария режимида “Истемолчи”ни электр тармоғидан узуб кўйиш;

ЭҲНАТга уланган ёки электр энергиясига олдиндан ҳақ тўлаш курилмасига эга хисобга олиш прибори бўлган истемолчини олдиндан тўланган ҳақ тугаганда электр тармоқларидан узиш.

Электр тармоғи хўжалиги обьектларидағи аварияларнинг олдини олиш ва бартараф этиши ёки одамларнинг хавфсизлигини таъминлаш ишлари билан боғлиқ кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирларни кўриши зарурати бўлганда, “Истемолчи” билан келишмасдан ва уни огохлантирмасдан энергия етказиб беришини тұхтатиш ёки чеклаш.

“Таъминотчи корхона” конунчиликка мувофик бошқа хукуқларга ҳам эга.

Мазкур шартномага асосан “Истемолчи”ни электр тармоқларидан узилгандан кейин юзага келган холат учун “Таъминотчи корхона” жавобгар бўлмайди.

4.4. “Таъминотчи корхона” куйидагиларга мажбур:

“Истемолчи”га электр энергиясини электр тармоғи орқали электр тармоқларининг баланс бўйича мансублик бўлиниш чегарасигача шартномада кўрсатилган хажмда мунтазам етказиб бериш;

ускуналар, электр узатиши линияларини, хисобга олиш приборларидан фойдаланиш, уларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш, шунингдек, ўз электр хўжалиги обьектларидағи носозликларни бартараф килиш;

электр тармоғи хўжалиги обьектларини режали таъмирланиши туфайли электр энергияси билан таъминлашдаги мумкин бўлган узилишлар тўғрисида камидан 3 кун олдин огохлантириш;

“Истемолчи”ни электр энергиясини етказиб берилши тұхтатилиши ва тұхтатилиши сабаблари тўғрисида хабардор килиш (Истемолчи масъул ходимларини уяли алоқа воситаси орқали (телефонограмма), овозли хабар, телеграм хабарнома, СМС хабар орқали ёки ёзма тарзда);

киритилаётган чеклашлар тўғрисида, чеклашларни хажми ва вакти кўрсатилган холда “Истемолчига” олдиндан хабар бериш;

электр энергияси тўлиқ етказиб берилмаганлиги ёки электр таъминотидаги бошқа бузилишлар тўғрисидаги “Истемолчи”нинг аризасини, ариза олинган кундан бошлаб 10 кундан кечиктиримай кўриб чикиш, бартараф этиш ва батафсил жавоб юбориш;

“Истемолчи”га ўрнатилган тартибда етказиб берилган энергия хисобини юритиш;

“Истемолчи”нинг белгиланган тартибда киритилган таклифларига мувофик беш кун муддатда электр энергиясининг ойлик шартномавий хажмига ўзгартаришлар киритиш, электр энергиясининг ойлик шартномавий миқдорини кўпайтириш (камайтириш) мумкин бўлмаган тақдирда - бу хакили, рад этиши сабабини кўрсатган холда, истемолчига хабар килиш;

“Истемолчи”да ўрнатилган хисобга олиш приборларини алмаштириш ва ўрнатиш, пломбалашни таъминлаш;

давлат стандартига мувофик бўлган электр энергиясини етказиб бериш.

Таъминотчи корхона конунчиликка мувофик бошқа мажбуриятларга ҳам эга.

## V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Электр таъминоти шартномаси бўйича тарафлар Узбекистон Республикаси конунчилигига белгиланган тартибда жавобгар бўлади шунингдек, шартнома шартлари

бажарилмаган ёки тегишли тарзда бажарилмаган холларда, “Таъминотчи корхона” бунинг натижасида етказилган ҳақиқий зарарни қоплашга, “Истъемолчи” эса етказилган ҳақиқий зарарни қоплашга мажбур.

5.2. “Таъминотчи корхона” “Истъемолчи” олдида моддий жавобгар бўлмайди агар:

“Истъемолчи” электр энергияси истъемолининг белгиланган режимига риоя қилмай, электр энергияси истъемоли ёки кувватининг шартномавий микдоридан ошиб кетишига йўл қўйгандан, “Таъминотчи корхона” томонидан белгиланган электр энергияси чеклаш жадвали бажармагани туфайли паст сифатли электр энергияси етказиб берилганини учун;

захира маибаи автоматик ишга тушганда, автоматик қайта улаш ва автоматик тарзда частотани созлаш билан боғлик учирисида электр энергиясини етказиб бериш борасидаги танаффуслар учун;

электр энергияси ишлаб чиқарувчи (ИЭС, ГЭС) ва уни магистрал тармок оркали етказиб берувчи (МЭТ) корхоналар томонидан электр таъминотида узилишлар бўлганди.

5.3. Томонлар уларнинг хоҳиши ва харакатларига боғлик бўлмаган табиий оғатлар ёки ижтимоий-иктисодий вазиятлар сабабли ушбу шароитларда қайтариб бўлмайдиган ва олдиндан билиб бўлмайдиган фавқулодда холатларни ўз ичига олган енгиг бўлмас куч (форс-мажкор) оқибатида ўз зиммасига олинган мажбуриятларни бажара олмаса, томонлардан ҳеч бири ўз мажбуриятларини тўлиқ ёки кисман бажармагани учун жавоб бермайди.

5.4. Мазкур шартномани бажариш жараёнида юзага келадиган барча келишмовчилик ва низолар музокара ўтказиш оркали ҳал килинади. Келишмовчиликларни музокара ўтказиш оркали ҳал килишининг иложи бўлмаганда, улар конунчиликда белгиланган тартибида ҳал килинади.

5.5. Электр энергияси ягона электр энергетика тизимидан транзит бўйича истъемолчининг электр тармоғи оркали худудий электр тармоқлари корхонасининг электр тармоғига узатилганда, истъемолчи тармоқларидаги электр энергияси технологик сарфининг бир кисми, истъемолчининг электр тармоғига келиб тушган электр энергиясининг умумий микдорига нисбатан худудий электр тармоқлари корхонасининг электр тармоғига истъемолчи томонидан узатилган электр энергияси микдорига мутаносиб равишда, ягона электр энергетика тизимининг электр тармоқларидаги технологик сарфларга ўтказилади.

## VII. ЯКУНИЙ ШАРТЛАР

6.1. Шартнома 20~~22~~ йил ~~31~~ օктябр гача бўлган муддатта тузилади.

Шартноманинг амал килиш муддати тугаганда, томонлардан бири уни узайтириш ёки бекор килиш бўйича ариза бермаган бўлса, шартнома кейинги ҳар бир йилга узайтирилган ҳисобланади (Бюджет ташкилотлари бундан мустасно). Ариза ушбу Шартноманинг амал килиши муддати тугашидан бир ой олдин такдим этилиши лозим.

6.2. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган ва томонларнинг ҳар бирида сақланадиган иккӣ (Бюджет ташкилотлари учун уч) нусхада тузилган. Шартноманинг иловалари унинг ажралмас кисми ҳисобланади.

6.3. Томонларнинг бирини ташаббуси билан шартномани муддагидан олдин бекор қилинч, иккинчи томонни бекор килиши муддатидан ўттиз кун олдин ҳабардор килган холда ва томонлар ўзаро ҳисоб-китоб қилиши шарти билан бекор килиниши мумкин. Бекор килиш тўғрисида ҳабарнома ёзма равишида юборилади.

6.4. Барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар факат ёзма равишида амалга оширилиб, томонларнинг ваколатли шахслар томонидан имзоланган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

6.5. мазкур шартнома талабларида назарда тутилмаган тартиб – коидалар Вазирлар Махкамасининг 2018 йил 12 январдаги 22 сон карори билан тасдиқланган Электр энергиясидан фойдаланиш коидалари ҳамда бошқа амалдаги норматив – хукукий хужжатлар талабларига мувофиқ тартибиға солинади.

## VII. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

### ИСТЕММОЛЧИ:

Юридик манзили Ургут дистриктининг Айнургаев айнишар манзиллари учун

Хисобраками 10002186018364101204344001

Банк коди (МФО) 00010 STIR (ИНН) 101338384

Республика ва маҳаллий бюджетдан молиялаштириладиган Истеммолчилар учун:

Бюджет фондининг хисобраками 134020003001000001010

Банк коди (МФО) 00014 STIR (ИНН) 101422919

Бюджетдан ташқари фондининг хисобраками

Банк коди (МФО) 00014 STIR (ИНН) 101338384

ККС тұловчининг коди

Телефонлар: 99-105-62-97 Факс: \_\_\_\_\_ e-mail: \_\_\_\_\_

(Истеммолчининг, шу жумладан раҳбарининг уялы, факс телефонлари коди электрон манзил ёзилади)

Кадастры рәками 14:14:10:04:10:1162

### Статистик кодлар:

IFUT (ОКЭД) 86900

DBIBT (СООГУ)

МНОВТ (СОАТО) 242296893

(КФС) 200

TSHK (КОПФ) 240

### ТАЪМИНОТЧИ КОРХОНА:

Почта манзили Ургут г. Дархан ободоев Аифур

Хисобраками 112263600530161304519

Банк коди (МФО) 000317 STIR (ИНН) 101614520

ККС тұловчининг коди

Телефонлар: \_\_\_\_\_ Факс: \_\_\_\_\_

Статистик кодлар:

DBIBT (СООГУ)

МНОВТ (СОАТО)



Таъминотчи корхона:

М. У., имзаси

Ф.И.Ш.

### ЮРИСТКОНСУЛЬТ ҲУЛОСАСИ:

Мазкур электр энергиядан фойдаланиш шартномаси \_\_\_\_\_  
юристконсульт \_\_\_\_\_

Ф.И.Ш.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2018 йил 12 январдаги 22-сонли  
каори талабларига мувофик тузилган. Томонлар ўртасида мазкур шартномани тузиш учун  
Ўзбекистон Республикасининг конунчиллик талаблари монийлик килмайди. Шартнома  
иштирокчиларининг хуқуқ ва мажбуриятлари Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик  
кодекси ва "Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий хуқукий базаси  
түгрисида"ги конуни талабларига жавоб беради. Шартнома шартлари юзасидан келип  
чикиши мумкин бўлган жавобгарлик масаласи томонлар ўртасида конуний келишилган.  
Шартнома юзасидан шартнома иштирокчилари ўртасидаги низоларни ҳал қилиш тартиби  
белгиланган.

Юристконсульт: \_\_\_\_\_  
(имзоси)

Электр таъминотининг шартномасига  
1 - илова

**Етказиб бериладиган энергия ҳажми**

1. Тариф гурухи 1
2. Фаолият тури Боғимот
3. "Истеммолчи" электр курилмаларининг уланган куввати: \_\_\_\_\_ кВА (кВт)
4. Техник шарт бўйича рухсат берилган кувват \_\_\_\_\_ кВт
5. Электр таъминоти ишончлилиги бўйича тоифаси (лойиха бўйича) \_\_\_\_\_
- Электр таъминоти ишончлилиги бўйича тоифаси (амалда) \_\_\_\_\_
6. Хисоб-китоб тури: Рут нуреярова

тариф тури: табакалаштирилган, бир ставкали ёки ахолига тенглаштирилган (кераклиси ёзилсин)

Давр	Энергия ҳажми минг. кВт.с	Шу жумладан, тариф гурухлари бўйича			
		I	II	III	IV
Йил, жами	<u>400,000</u>				
Январь	<u>133,333</u>				
Февраль	<u>133,333</u>				
Март	<u>133,334</u>				
Апрель					
Май					
Июнь					
Июль					
Август					
Сентябрь					
Октябрь					
Ноябрь					
Декабрь					

Ташкилот кунига фойдаланади 24 соат, ойга 30/31 кун

Умумий юкламага нисбатан сменалар бўйича юкланиш % хисобида I \_\_, II \_\_, III \_\_



Электр таъминотининг шартномасига  
2 - илова

Энергияни хисобга олиш приборлари ўрнатилган жойлар ва уларнинг тавсифлари

“Истеммолчи”нинг (суб)“Истеммолчи”нин г) хисобга олиш прибори ўрнатилган жойлар, тури ва кучланни тоифаси (кВ) кўрсатилган холда	Хисобга олиш прибори тури (актив). (номинал токи)	Хисобга олиш прибори раками	Хисобга олиш прибори клемма қопкогидаги пломбанинг раками	Ўлчов трансформатор- ларининг трансформация коэффициенти		Хисоб-китоб коэффициенти	Хисобга олиш приборининг шартнома тузилган кундаги кўрсаткичла ри хисоблагич кўрсаткичи	Тариф тури сўм/ 1 кВт.с.
				Ток	Кучла- ниш			
Северге созёлик ўрнатилган жойлар	МА-ЭО У	024199012023		1600/15	220/380	300	1014/2496,9	460 00

Имзолар:



Электр таъминотининг шартномасига

3 - илова

Томонилар электр тармоқларининг баланс мансублиги  
ва эксплуатация қилиш бўйича масъуллик чегараси  
**ДАЛОЛАТНОМАСИ**

Изоҳ; Хар бир электр энергияси хисобга олини прибори учун алоҳида 3 ва 4-итовалар тузилади

Хисобга олини прибори давлат рақами \_\_\_\_\_ ток трансформатори \_\_\_\_\_ кучтаниш  
трансформатори \_\_\_\_\_ ўқасми кофициенти \_\_\_\_\_ узланган қуввати \_\_\_\_\_ кВт

Хисобга олини прибори ўрнатилган манзил \_\_\_\_\_

шахар, қфи, мфи, кучайи рақами

1. Тариф гурухи \_\_\_\_\_ Фаолият турни

Труба шиз. чик, Шлакоблок. Гишиг. Пленка шиз чик, Ахфа цехи, Насос. Савдо, Кафе, Ошхона. Устахона ва...???

1. “Истеъмолчи”нинг балансида куйидаги электр курилмалар мавжуд:

a) ҳаво электр тармоғи \_\_\_\_\_

2

б) кабель электр тармоғи \_\_\_\_\_

2

в) подстанциялар, трансформатор подстанциялари ТП рақами \_\_\_\_\_, \_\_\_\_\_ кВА

2. “Истеъмолчи” ва “Таъминотчи корхона” ўртасидаги электр тармоқларнинг баланс бўйича мансублик чегараси Урбек созоевтори Гудесч исса  
хизмат курдиден истеъмолчи  
бўйича

3. Улардан куйидагиларга:

a) Жавобгарлик генерациясидан бўйича  
бўйича ёки бўйича физик хизмат хизмат кўрсатиш “Истеъмолчи” ходимлари томонидан,

б) Кудайиб юргозилир

“Истеъмолчи” билан тузилган “Техник хизмат кўрсатиш” № \_\_\_\_\_ сана \_\_\_\_\_ й. шартномаси асосида электр таъминоти корхонаси ходимлари томонидан хизмат кўрсатилиди. “Техник хизмат кўрсатиш” шартномаси тузмаса \_\_\_\_\_ томонидан хизмат кўрсатилмайди.

4. Электр курилмаларининг ҳолати ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича жавобгарлик чегараси куйидагича белтиланди: бўйича тезкорасидон  
бўйича шароитни берадиган



Вакиллар:

Истеъмолчи

Садиков,  
(Ф.И.Ш.)

М.Ү.

Таъминотчи корхона

J  
(Ф.И.Ш.)

М.Ү.



## Электр таъминотининг шартномасига 4 - илова

## **Энергияни йүқолишларини аниқлаш бүйича ДАЛОЛАТНОМА**

Энергия хисобга олиш приборлари электр тармокларининг баланс бўйича мансублик чегарасида ўрнатилмаганда, электр тармокларининг баланс бўйича мансублиги чегараси хисобга олинган холда мансублик чегарасидан хисобга олиш прибори ўрнатилган жойгача бўлган кисми хисоблаш йўли билан аниқланади ва куйидагиларга хисобланади:

а) Күввати                  кВА бүлгән трансформаторлардаги ойлик актив энергияның                  кВт.соат ёки                  %, реактив энергия йүкөшүлөрдө                  кВАр.соат ёки                  % ташкил этади;

б) Истемолчининг кабель линияларидағи ҳар ойлик энергияни иүқотиш:

Узуилиги

Кесім қозасы  ММ<sup>2</sup>;

Русуми

Күчланиши кВ бўлса, кВт.соатни, ёки % ташкил этади;

в) Истеммолчининг ҳаво линияларидаги ҳар ойлик энергия йўқолишлари:

Узунлиги

Кесим юзаси  MM<sup>2</sup>

Русуми

Энергияни хар ойда жами ийкотишлиар хажми хисоб давридаги энергия сөрғүнүүсүнүүн фонанан толукчулуктада.

Ушбу Шартноманинг 3.8 бандига асосан юкорида кўрсатилган энергия йўқолишлари Истъемолчининг хар ҳисоб-китоб даври учун, ҳисоб-китоб давридаги амалдаги энергия истеъмолидан ва 1-иловада кўрсатилган ойлик шартномавий энергия микдорларидан келиб чиқиб аниqlанади.

Таъминотчи корхонанинг электр тармоқлари ва уйларнинг ички электр тармоқларининг бўлиниш чегарасидан умумий мулк хисобланадиган ушбу тармоқлардан таъминланадиган машиний истеъмолчиларнинг электр энергиясини хисобга олиш ускуналаригача бўлган электр тармоқларидағи электр энергияси йўкотишлари хисоб-китоб килиши йўли билан аниқланади ва уй-жой мулкдорлари ширкатлари истеъмолига қаратилади.

Имзолар:

## Истетьмолчи:

三

(14130)

## Таъминотчи корхона:

M.V

©Имзо

Электр таъминотининг шартномасига  
5-илова

Энергия (актив, реактив) сарфи бўйича  
ХИСОБОТ

20~~26~~ ийл 10 ойи бўйича

Курсаткичлар қайд этилган сана « и » 20 ийл.

Улагнан жой номи, хисобга олиш приборининг завод раками, хисобга олиш тури (актив, реактив)	Хисоб-китоб коэффициенти			Хисобга олиш прибори курсаткичлари		Хисобга олиш прибори курсаткичларининг фарки	Сарф кВт.с., кВАр.с	Табакалаштирилган тариф бўйича сарф кВт.с.							
	ТОК трансфор-маторининг (ТТ)	кучла-ниш транс-форматорининг (КТ)	уму-мий	бошли-ги	охирги			Кун		Кечки тигиз вакт		Тун			
								соат 6-9	соат 9-17	соат 17-22	соат 22-24	соат 0-6			
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13			
Жами															

ИЗОХ: 7устун = 6устун - 5устун, табакалаштирилган хисоб учун назорат раками 8устун = 7устун \*4устун,  
8устун = 9устун +10устун +11устун +12устун +ГР13устун;

Истевмолчи раҳбари



Таъминотчи корхона энергетики

Ф.И.Ш.имонов

Ф.И.Ш.имонов

К.Э.Жуманов

Ф.И.Ш.имонов

Электр таъминотининг шартномасига  
6 - илова

**Компенсация қурилмаларининг ишлаш режими**

**1. Компенсация қурилмаларининг белгиланган қуввати**

Т/р №	Компенсация қурилмаларининг турлари	Куввати	Уланиш вақти		Жами
			Эрталаб	Кечкурун	
1.	Конденсаторлар, кВАр 1000 Втча 1000 Вдан юкори, жумладан:				
1.1.	Автоматик бошқариладиган: 1000 Втча 1000 Вдан юкори,				
1.2.	Қўлда бошқариладиган: 1000 Втча 1000 Вдан юкори,				
2.	Синхрон двигателлар - (СД), кВт				
3.	СДнинг реактив қуввати, кВар (СДнинг ўрнатилган қувватининг 30 фоизи, кВт)				
4.	Жами (16.+36.) кВАр: 1000 Втча 1000 Вдан юкори.				

*ИЗОХ: авторежимда ишлайдиган конденсатор қурилмалари билан жиҳозланган ташкилотлар уланиш вақтларини тўлдириши шарт эмас.*

## 2. Реактив энергияннинг иқтисодий миқдори

Йил, ой	Реактив энергиянинг иқтисодий миқдори (кВАр.соат)	Шу жумладан тариф гурухлари бўйича		
		I	II	IV
Январь				
Февраль				
Март				
Апрель				
Май				
Июнь				
Июль				
Август				
Сентябрь				
Октябрь				
Ноябрь				
Декабрь				

Реактив энергияннинг ҳар бир хисобот даври учун иктисодий киймати, ушбу Шартномада кўрсатилган ва ўрнатилган тартибда аниқланадиган кувонлук коэффициентинн оптимал мизорди хисобга олинниб, ушбу давр учун актив энергияннинг шартномадаги мизоридан келиб чиқсан холда аниқланади.

Хисобот даврининг якунин буйича реактив энергия иктисодий кийматининг амалдаги микдори истеммол қилинган актив энергия ва кувват коэффициентининг шартномавий микдоридан келиб чиккан ҳолда аниланади.

Тарифга устама күшилгән киймат солиги хисобга олинмаган холда фаол энергияйнинг амалдаги тарифи бүйича:

5% - реактив энергиядан иктисолид киймат доирасида фойдаланилганда, бу амалда истемол килинган актив энергия ва кувват коэффициентининг шартномавий микдоридан келиб чиккан холда анникландади;  
10 % - реактив энергиядан иктисолид киймат микдоридан ортик фойдаланилганда, бу амалда истемол

Бунда хисоб-китоблар ва кўшимчалар маблугини ундириши хисоб-китоб даврида Шартномада кўрсатилганига нисбатан Истемолчи томонидан кувват коэффициентининг амалдаги кийматини пасайтиришга йўл кўйилганини тўғрисида «Узэнергоинспекция»нинг тасликлари бўлганда амалга оширилди.

Тариф چигермалы истемолын яғона электр тизими тармогид электр тармогининг катта юкламали соатларда реактив энергия ҳосил қылганда ва электр тармогининг кичик юкламали соатларда энергия тизими тармогидан реактив энергия истемолы қиынлана, агар Истемольчининг бундай режимида ишлеш зарурати Шартномада күрсатылған бұлса, тақдым этилады.

Чегирга күшилгап киймат солиги хисобга олинмаган ҳолда актив энергия учун амалдаги тарифнинг 15% микдорида белгиланади.

## Истетьмолчи:



## Таъминотчи корхона:



Электр таъминотининг шартномасига

7 - илова

Авариявий ва технологик бронни аниқлаш бўйича  
ДАЛОЛАТНОМА

Истъемолчининг

иштироқида тузилди.

Ягона электр энергетикаси тизимида узок муддатли ёки киска муддатли қувват танқислиги юзага келганда Истъемолчи кўйидагиларни бажариши керак:

1. Ускуна юкламасини технологик брон даражасигача пасайтириш:

T/p №	Технологик бронига тааллукли цехлар ва агрегатлар номи*	Ишда қолдирилган юкламалар қуввати (кВт)	Изоҳ
1.			
2.			
3.			
4.			

Жами: \_\_\_\_\_ кВт

\*а) Барча цехлар ва агрегатлар зудлик билан ўчирилади. Ўчирилиши яроқсиз маҳсулот ишилаб чиқарилиши, ускунанинг бузилиши, портлаши, ёнгин, заҳарланиши ва бошқа бахтисиз ҳодисаларга олиб келувчи цехлар ва агрегатлар бундан мустасно.

б) Технологик бронга шунингдек авария бронига тааллукли цехлар ва агрегатлар ҳам киради (2-бандга қаранг.)

Технологик бронни чеклаш босқичлари:

I босқич \_\_\_\_\_ кВт

II босқич \_\_\_\_\_ кВт

III босқич \_\_\_\_\_ кВт

IV босқич \_\_\_\_\_ кВт

2. \_\_\_\_\_ ўтганидан кейин цехлар ва агрегатлар авария бронига даражасигача узиб куйилади.

T/p №	Авария бронига тааллукли цехлар ва агрегатлар номи*	Ишда қолдирилган юкламалар қуввати (кВт)	Изоҳ
1.			
2.			
3.			
4.			

Жами: \_\_\_\_\_ кВт

\* а) Ўчирилиши сув таъминоти, алоқа воситалари ишининг тўхтасига, иситии тизимининг музлаб колишига олиб келувчи цехлар ва агрегатлар, ҳамда қўриқлаш ёритгичлари электр тармогидан узилмаган ҳолда қолдирилади.

б) Ёнгинга қарши заҳира насослар ва бошқа ёнгинга қарши агрегатлар авария бронига кирмайди (ушиб агрегатлар, заруратга қараб, олдиндан Таъминотчи корхона билан келинингдан ҳолда рўйхатга киритилиши мумкин).

Имзолар:



Истъемолчи:

М.У. (Имзо)

Таъминотчи корхона:

М.У. (Имзо)



